УДК 8.085.22

ЧЎЛПОННИНГ “ҚОР ҚЎЙНИДА ЛОЛА” ҲИКОЯСИ МАТНИДАГИ ТАҲРИРИЙ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Д.Ҳ. Қуронов, Д.С. Неъматова

Мақолада Абдулҳамид Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикоясининг иккита нашри – “Инқилоб” журнали (1922) ва “Гўзал ёзғичлар” мажмуасида (1925) чоп этилган матн вариантлари қиёсий таҳлил қилинган. Бунда ҳикоянинг кейинги нашри матнидаги имло ва ўзлашма сўзларнинг қўлланиши билан боғлиқ таҳририй ўзгаришлар кўриб чиқилиб, уларнинг ҳикоя мазмунига таъсири тавсифлаб берилган. Матний фарқларни ўрганиш асосида бугунги кунда Чўлпон насрий асарларининг қайта нашрларини амалга оширишда илмий-танқидий матнларни тайёрлаш масаласи долзарб бўлиб тургани таъкидланган.

Калит сўзлар: илк нашр, матн, таҳрир, муҳаррир, имло, ислоҳот, ўзлашма.

В статье осуществлён сравнительный анализ двух редакций рассказа Абдулхамида Чулпона «Тюльпан в снегу» – опубликованного в журнале “Инқилоб” (1922) и хрестоматии “Гўзал ёзғичлар” текстов. Рассматриваются внесенные в текст второго издания редакторские правки, связанные с реформой орфографии и заимствованными словами, описано их влияние на содержание рассказа. На основе изучения текстовых различий утверждается, что в настоящее время актуальной становиться задача подготовки научно критических текстов прозаических произведений Чулпана.

Ключевые слова: первое издание, текст, редактирование, редактор, орфография, реформа, заимствования

Чўлпон асарларининг қайта нашрларини амалга оширишда кўндаланг бўладиган муаммолардан бири уларнинг тили, имлоси билан боғлиқ. Гап шундаки, муаллиф қўлёзмалари сақланиб қолмагани туфайли қайта нашрлар фақат илк нашрлар – шоир ҳаётдалик вақтида чоп қилинган китоблар ва вақтли матбуотда эълон қилинган матнлар асосидагина амалга оширилади. Мазкур илк нашрлар эса, маълумки, ўзбек ёзуви ва имлоси ислоҳ қилинган йилларга тўғри келган. Бу эса муаммони янада чуқурлаштиради. Сабаби, ҳар қандай ўтиш даври каби, ёзув ва имло ислоҳотлари ҳам мураккаб кечади, бунда ҳам эски ва янги кураши, уларнинг қоришиб кетиш ҳоллари мавжуд бўлади. Зеро, масалан, имлодаги ислоҳотларни қайсидир таҳририятдагилар тўла ўзлаштириб олган, қайси биридагилар эса ҳали эски ва янги қоидаларни чалкаштириб юради; муҳаррирларнинг қай бирлари янгиликларни маъқуллаб қўллаётган бўлса, қай бири уларни ҳамон тўла қабул қилмаган – бу масалада ўз қарашларидан воз кечмаган, шуларга таяниб иш юритади. Мазкур ҳолни Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикоясининг иккита нашрини қиёслаганда яққол кўриш мумкин. Ҳикоя илк бор “Инқилоб” журналининг 1922 йил 9–10 қўшма сонида эълон қилинган, биз уни шартли равишда Чўлпон матни деб қабул қилиб турамиз. Шартли дейишимизнинг сабаби шуки, журнал матнига ҳам муҳаррирнинг тегинган бўлиши эҳтимолини истисно қилиб бўлмайди. Ҳикоянинг кейинги нашри орадан уч йил ўтиб амалга оширилган: у Элбек томонидан тартиб берилган “Гўзал ёзғичлар” мажмуасига кири-

тилган. Иккала матн қиёсланса, орада анчагина фарқлар борлиги кўрилади. Матний фарқларнинг таҳлили ушбу нашр Элбек таҳририда амалга оширилган, деган тўхтамга олиб келади. Қуйида мазкур хулосага олиб келувчи таҳлилларни тақдим этамиз.

Машриқ Юнусов – Элбекнинг тил-имло ислоҳотлари билан боғлиқ тадбирларда ғоят фаол иштирок этганлиги маълум. Жумладан, 1921 йилда ўтказилган тил-имло қурултойида Элбекнинг "мандат комиссияси"га, яъни қурултойнинг раҳбарий тузилмасига сайлангани ҳам шуни тасдиқлайди. Қурултойнинг эълон қилинган материаллари ичида Элбекнинг масалага оид қарашлари акс этмаган бўлса-да, унинг бу борадаги қарашлари матбуотдаги чиқишларида анча муфассал акс этган. Муҳими, асл зиёли сифатида Элбек тил масаласига бефарқ қарамаган, ўз даврида чоп этилиб турган китоблар, газеталардаги камчиликлар ҳақида куйиниб ёзган. Масалан, мақолаларидан бирида у матбуотда эътиборсизлик туфайли аксар *-ли* ўрнига *-лик* қўшимчаси ишлатилишига диққатни қаратади. Натижада эса: "... кўз, шаҳар бирор исмдир, буни сифат ҳолиға айлантирмак яъни бир кишининг сифати қилмоқ учун буларнинг кетига "ли" ёлғовини қўшиб, "кўзли", шаҳарли" дейиш ўрниға "кўзлик", "шаҳарлик" деб уни бутунлай бошқа бир тусға солиб юборамиз. Тўғриси уларни ясама сифатликдан чиқарамиз. Ҳолбуки бу "лиқ", ёхуд "лик" кўб вақт исмнинг кетига келиб уни сифат ясатиш эмас, балким сифатларнинг кетларига келиб уларни масдарга... яъни иш отиға айлантириб юборади" [1].

Буни келтиришдан мурод, Элбекинг тил ва имлога доир назарий қарашларини ўзининг ижодий ва муҳаррирлик фаолиятида оғишмай татбиқ этганини кўрсатишдир. Масалан, "Қор қўйнида лола"нинг "Инқилоб"даги матнида мана бу жумла бор: "*Бир кун эшонникида катта ва қизғин бир суҳбат бўлди. Суҳбатга бошқа шаҳарлардан ҳам* ***ўтлик нафас*** *билан ўқуйтурған ҳофизлар келдилар*" [2. Б. 321]. Чўлпон асарларида сифат ясовчи *-ли* ўрнида *-лик* қўшимчасини ишлатиш кўп учрайдики, бу энг аввал шева таъсири билан изоҳланиши мумкин. "Инқилоб"даги матннинг тўртта ўрнида – "ҳаваслик ... кўзлар", "ўтлик нафас", "келинлик арава", "соқоллиқ ... чол" бирикмалари таркибидаги сифатларда *-лик (-лиқ)* қўшимчаси ишлатилган бўлса, "Гўзал ёзғичларда уларнинг ҳаммаси *-ли* қўшимчасига ўзгартирилган. Айни чоқда, матндаги "оғирчилиқ", "куёвлик", чеварлик", ўйноқилиқ" каби отлар аслича қолдирилган. Кўриб турга-нимиздек, Элбек матнни юқорида келтирилган тил қоидасига мувофиқ кўринишга келтиради ва буни маъқуллаш керак. Бироқ илк нашр матнидаги "кўҳлиликда" сўзининг "кўркликда" шаклида берилгани маъқул эмас. Чўлпон Шарофатхон таърифида "*Бу қиз шу тевараknинг кўҳликликда, чеварликда, билимдонликда, шўхлуқ ва ўйноқиликда биттаю биттаси эди"* [3] деб ёзади. Бу жумлада *-лик* қўшимчали уюшиқ аниқловчилар ҳосил қилувчи оҳанг битта *-ли* қисқариши билан бузилади, иккинчидан, аслида сифатдан ясалган от (кўҳли +лик)лар уюшиқ аниқловчилар сафига битта отдан ясалган (кўрк+лик) қўшилади-да, "сафни бузиб тургандек" таассурот қолдиради. Ҳолбуки, агар "кўрклиликда" сўзи ишлатилса, бундай эътирозга ўрин қолмаган бўлур эди.

Имло ва ёзув ислоҳотлари жараёнида сингармонизм масаласи жуда долзарб бўлиб тургани яхши маълум. 20-йилларнинг охирларида кечган тил-имло баҳсларда ҳам жуда фаол қатнашган Элбекнинг бу масалада ўз қараши бўлган. Жумладан, у "кўп кишиларни чўчиткан, баъзи бир кимсаларнинг кулги ва сўкиш тўрвалари ёрилишига сабаб бўлған" сингармонизмни "имломизнинг бутинлиғин сақлаш учун елим ва тилимизнинг кўркини ошириш учун бир безакдир" деб баҳолайди. Шунинг учун таъкидлайдики, "қалинлиқ ва ингичкалик оҳанги бизнинг тилимизнинг жонидир, йиқилмас қўрғонидир... Буни билмаган турк халқи йўқ десак, янглишмаймиз. Бас, бизнинг демакчи бўлғонимиз ўзбек тилининг суфати, яъни унинг безаги – сингармўнизм масаласи нақ ана шу адабий, жонли тилимиз масаласидир. Бунга қарши бўлғонлар шубҳасиз, шу тилнинг гражданлик ҳуқуқиға зарба

бергусидурлар” [4]. Тил ҳодисасининг аҳамиятини бу қадар юқори баҳолагани ҳолда, Элбек сингармонизмнинг ҳамма кўринишларига бир хил муносабатда бўлмаган. Хусусан, у лаб оҳанги масаласида Фитрат ва Қаюм Рамазонларга қўшилмайди. Улар бу масалада, бир томондан, умуман туркий тиллар нуқтаи назаридан фикр юритсалар, иккинчи томондан, кўпроқ мумтоз асарлар тилини асос қилиб оладилар. Шунга кўра, “туб сўзларнинг биринчи бўғинида ўтру (яъни, ў,у) бўлса, иккинчи бўғинида ҳам ўтру бериш керак” [5. Б.43] деган қоидани илгари сурадилар. Элбекка кўра эса: “Бу кун лаб оҳангини қирғиз, усмонли туркlари янглиғ юз пирасант бўлмаса ҳам, ўрта даражада сақлаш керак деган оқим ва қараш бизда кўбдан бери сургалиб келмакдадир. Лекин бу қараш илмий ёқдан анча бўш бўлғанидай, мантиқ ёғидан бутунлай келишмаган нарсадир. Лаб оҳанги бўлса, ё юз пирасант (қирғиздағилар киби) сақланмоғи, ё бўлмаса бутунлай ташланмоғи лозимдир” [4]. Кўринадики, Элбек “бутунлай ташлаш” керак деганида жонли ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб чиқади, унинг ўша даврдаги бошқа тиллардан, хусусан, қирғиз тилидан фарқланишини эътиборга олади: “Ўзбек тилида ўтру чўзғисининг биринчи ҳижодан сўнг тушиб қолиши тўғрисида ҳозирғи маҳаллий шевалар очиқ тониқ бўла оладилар” [4]. Шунга асосан, Элбек ўзбек тилида лаб оҳангдошлиги йўқ деб хулоса қилади, биринчи бўғинида “ў, у” товушлари бор сўзларнинг кейинги бўғинини “и” билан ёзмоқ ва шундай ўқимоқ кераклигини уқтиради. Гарчи ушбу масалада ҳали тугал тўхтамга келинмаган бўлса-да, Элбек ўз фаолиятида, жумладан, “Қор қўйнида лола” таҳририда ҳам айни қарашини тўла татбиқ этади. Масалан: “Инқилоб”да “Тўп сувга шўнғУб кетУб ҳовузнинг ўртасидан чиқди...” шаклида берилган жумла “Гўзал ёзғичлар”да “Тўп сувга шўнғИб кетИб ҳовузнинг ўртасидан чиқди...” кўринишини олади. Қиёсланаётган матнларда яна *қотуб – қотиб, босуб – босиб, ўтун – ўтин, отун – отин, хотун – хотин, олуб – олиб, чиқуб – чиқуб* сингари юзлаб жуфтликларни келтириш мумкин. Бу баҳсда мухолиф томон баланд келди: Элбекнинг юқоридаги фикрлари инобатга олинмай, 1929 йилда чақирилган имло қурултойи лаб оҳанги қоидаси баъзи бир истиснолар билан тилда иккинчи бўғингача сақлансин, деган қарор қабул қилди [6. Б. 95].

Фитрат ўзининг “Ўзбек тили қоидалари тўғрусида бир тажриба. Сарф” асарида “... бизнинг шаҳарларимиз юзлаб йиллардан бери араб, форс адабиётининг ҳукми остида яшайдир. Шунинг учун бизда шаҳар тили бузилғандир. Тилимизнинг соф шаклини даладағи эл-аймоқларимиздан кўра оламиз” [7. Б. 141] деб ёзган эди. Элбек ҳам Фитратнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзбек миллий адабий тилини қишлоқ шевалари асосида шакллантириш, имло қоидаларини ҳам барча туркий тилларнинг муҳим фонетик хусусияти бўлган сингармонизм асосида белгилаш ғоясини илгари суради. У араб, форс тилларидан ўз имлоси ва талаффузини сақлаган ҳолда ўзлашган сўзларни тилимизга туркий қоида – сингармонизмга бўйсундириб қабул қиламиз, агар улар маъно тарафидан ўзгариб кетса (мактаб-макатаб, қалам-қолом, китоб-китаб каби), у ҳолда бу сўзларни ташлаб, уларнинг унутилган шаклларини қайта тиргизамиз (ёзоқ, ёзғич, битиг каби), деган фикрни билдиради [5. Б. 41].

“Чиғатой гурунги”дан бошланган Фитрат ва издошларининг тил софлиги учун кураши 20-йиллар давомида анча самарали кечган. Бунда тилни соддалаштириш, халқнинг англаши қийин бўлган форсча, арабча, русча сўзларнинг соф туркий муқобилларини излаб топиб муомалага киритиш, янги муқобилларини ўйлаб топиш ва шу асосда тилни ривожлантириш ҳаракатида бўлганлар. Жумладан, Элбек бу борада кўп жонбозлик кўрсатган, ўзбек тилининг луғат бойлигини ўрганишга алоҳида эътибор берган. У араб, форс ва рус тилларидан кириб келган ўзлашма сўзларга ўзбекча муқобил топиб, оддий халқ учун тушунарли бўлган лексик вариантларни матбуотдаги “Луғат ва атамалар” номли туркум чиқишларида тақдим қилган.

“Қор қўйнида лола”ни таҳрир қилишда ҳам Элбек шу қарашларидан келиб чиқади, яъни тил софлиги учун курашчи мавқеида туради. Илк нашрда қўлланган сўзларнинг Элбек томонидан қандай ўзгартирилганини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

“Инқилоб” журналида	“Гўзал ёзғичлар”да
ҳамма	барча
шох	бутоқ
бечора	боёқиш
дарича	эшикча
ғалати	қизиқ
суҳбат	зикр
хизмат	иш
базўр	зўрға
шиддатидан	ортуқлигидан
муборак	қутлуғ
чорак	ботмон
сарупо	кийим
меҳмон	қўноқ
қадам	одум
зулмат	қоронғу
рост	тўғри
кибр ва ҳаво билан	гердайиб
ниҳоят	энг сўнг

Эътибор берилса, алмаштирилган сўзларнинг ҳаммаси келиб чиқишига кўра ё арабча, ё форсча экани кўрилади. Алмашган сўзлар эса, “зикр” сўзи истисно қилинса, туркий сўзлардир (бу ерда “зўрға” сўзининг форсча ўзакдан туркий қўшимча ёрдамида ҳосил қилинганини ҳам айтиш керак).

Илк нашр матнида “ҳамма” олмоши тўққиз марта қўлланган ҳолда, “барча” олмоши умуман ишлатилган эмас. Шунга қарамай, таҳрирда улар ҳаммаси алмаштирилган. Албатта, бу икки сўзни тўлиқ синоним ҳисоблаган ҳолда таҳрирга эътироз қилмаслик ҳам мумкиндир. Лекин лоақал персонаж тилидан айтилган “Ғалатиси ўлсин, ғалатиси, айтабер ҳаммамизға!” деган жумлада “ҳамма” олмоши “барча”дан кўра ўринлироқ кўринади. Бундай дейишимизга сабаб, жонли сўзлашувда “ҳамма” олмошининг қўлланишда нисбатан фаолроқ эканлигидир. Тўғри, агар “ҳамма” олмошининг келиб чиқиши араб/форс илдизларга бориб тақалиши, “барча” олмоши эса қадим туркий асосдан келиб чиқиши эътиборга олинса, бу парадоксал ҳол бўлиб кўриниши ҳам табиий. Лекин “ҳамма” олмошининг сўзлашувда фаолроқ қўлланиши айрим адабиётларда унга “қамуқ/қамуғ” биргалик олмошининг фонетик ўзгариши сифатида қаралгани [8. Б. 34; 9. Б. 169; 10. Б. 129] ҳақиқатга кўпроқ яқинмикан, деган мулоҳазага ҳам олиб боради. Иккинчи томондан, кичкина бир ҳикоя матнида тўққиз марта бир сўзни ишлатгандан кўра, айрим ҳолларда аслича қолдирган услубий жиҳатдан маъқулроқ бўлармиди, деган фикр ҳам туғилади.

Хуллас, тил софлиги масаласи қанчалик муҳим бўлмасин, таҳрирда ҳар бир конкрет ҳолатда сўзнинг матн бутунлигидаги ўрнини эътиборда тутган ҳолда энг маъқул йўлни танлаш тўғрироқ бўлади. Шу жиҳатдан қаралса, кўрилаётган жумладаги “ғалати” сўзининг “қизиқ” сўзига алмаштирилиши тил софлигини

таъминлабгина қолмай, услубий жиҳатдан ўринли тузатишдек кўриниши мумкин. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрилса, мазкур ўзгариш ҳам ютқизиқ бўлгани кўрилади. Гап шундаки, юқоридаги жумла хабар келтирган қизалоқнинг опасига “Чеккага чиқинг, опа, сизга ғалати гапим бор” деган гапига жавобан айтилган. Яъни кейинги жумладангина келиб чиқиб, сўзнинг ўринли-ўринсиз ишлатилгани ҳақида хулоса қилиб бўлмайди. Аввало, бу ўринда жажжи қизалоқнинг “ғалати” сўзини ишлатгани табиий, чунки унинг назарида Шарофатхонга совчи келгани нотабиий (“ғалати”) бир ҳолатдир. Ҳолбуки, ўйин билан банд қизлар учун бунда ҳеч бир “ғалатилик” йўқ – улар бугунми-эрта ўзларига совчи келиши муқаррарлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам улардан бири тилга келтирган “Ғалати гапи нима бўлар эди, айтмаса ҳам биламан” деган гап айни дамда ҳаммасининг ўйида фикр ўлароқ бор. Яъни бу бўй қизлар учун қизалоқ келтирган хабар “ғалати” эмас – “қизиқ”: шунинг учун ҳам “айтабер ҳаммамизга!” дея қизалоқни шоширишади, “сен айтмасанг ҳам опанг айтиб беради” дея овунишади, “айтмаса ҳам биламан” дея иддао қилишади, “билсанг айт” дея умидланишади – хуллас, бутун хаёллари шунда бўлиб қолади. Кўрамизки, Чўлпон бўй қизлар даврасидаги ажиб психологик вазиятни очиб бермоқда ва бунда қизалоқ келтирган “ғалати” хабар асос бўлиб хизмат қилади. Диалог давомида шу сўзнинг тўрт марта қўлланган ва диалог иштирокчилари шу сўз замиридаги маънони англашга қизиқишлари ўқувчининг мазкур руҳий вазиятни идрок этиши учун калит, ишорадир. Бас, сўзнинг алмаштирилиши билан у бажараётган функция ҳам йўқотилади, демак, унинг ўзгартирилиши мақбул эмас.

Чўлпон Самандар аканинг сингандан кейинги машғулоти ҳақида: “Эрта билан саҳарлаб эшонникига кетар, суҳбат бўлса-бўлмаса эшоннинг хизматини қилуб, кечқурун шомлатиб уйига келар эди”, - деб ёзади. “Гўзал ёзғичларда бу жумладаги “хизмат” сўзи “иш” сўзига алмаштирилганки, бу ҳам тил софлиги учун қайғуриш билан изоҳланади. Ҳолбуки, бу контекстда “хизмат” сўзи ўринлироқ. Чунки бу ўринда “хизматини қилмоқ” бирикмаси муайян ишни бажаришдан кўра “пир хизматига қойим турмоқ” маъносини бера оладики, адиб шуни назарда тутади. Яъни хонақоҳда Самандар ака, масалан, китоб ўқиш билан машғул бўлавериши мумкин, бироқ шу ҳолда ҳам у пир хизматида ҳисобланаверади. Энг муҳими, давр ўқувчиси “эшоннинг хизматини қилмоқ”ни худди шундай тушунган. Демак, адиб персонажнинг ҳолати моҳиятини аниқ ифода этадиган сўз қўллаганки, уни алмаштиришга ҳеч қандай зарурат йўқ эди. Сўзнинг туркий муқобилига алмаштирилиши эса юқоридаги маъно нозикликларининг бой берилишига олиб келади. Зеро, “эшоннинг иши” сўз бирикмаси шунчаки “эшон бажарадиган иш” ёки “эшон уйидаги иш” маъноларини беради, холос.

Моҳиятан шунга ўхшаш ҳол жумладаги “суҳбат” сўзининг “зикр”га алмаштирилишида ҳам кузатилади. Мазкур икки сўз орасида “бутун – қисм” муносабати ётади. Яъни “суҳбат” деганда эшон ҳонақоҳда муридлари билан ўтказадиган барча тадбирлар (маъвиза, насиҳат, дарс, зикр, аврод ва б.) назарда тутилади, “зикр” деганда эса биргаликда амалга ошириладиган махсус маросим англашилади. Яъни “зикр” ҳар куни ўтказиладиган тадбир эмас, шунинг учун ҳам у юқоридаги жумла мазмунига мос келмайди: гап Самандар аканинг ҳар кунги одати ҳақида бораётган экан, “суҳбат бўлса-бўлмаса” калимасининг ўзгаришсиз қолгани маъқулроқдир. Айтиш керакки, бу ўринда таҳририй ўзгариш “тил софлиги” нуқтаи назаридан содир бўлган эмас, чунки “суҳбат” ҳам, “зикр” ҳам аслида арабий сўзлардир. Ўзгариш иккала сўзни мутлақ синоним деб билиш ё уларнинг маъно нозикликларини фарқламаслик, ё эътиборсизликдан келиб чиқади. Ҳолбуки, Самандар ака-га таъриф бериш давомида “суҳбат” сўзини уч марта қўллаган Чўлпон бир бора “зикр” сўзини ҳам ишлатган: “*Бир кун эшонникида катта ва қизғин бир суҳбат бўлди. Суҳбатга бошқа*

шаҳарлардан ҳам ўтлик нафас билан ўқиётурған ҳофизлар келдилар. Хонақоҳнинг ичи зич тўлди. Эрта билан бомдоддан сўнг бошланған "зикр" хуфтанга яқин базўр тугади" [2. Б. 321]. Бу ерда эътибор қилиниши зарур бўлган нуқта "зикр" сўзининг қўштирноқ ичида берилганидир. Давр нашрларида сўзлар "ёзғучи томонидан муҳим саналса" ёки "англашилиши енгил бўлмаган отлар, атамалар бўлса" қўштирноқ ичида берилган ва бу қоида мақомида бўлган [7. Б. 212]. Аён бўладики, Чўлпон сўзни қўштирноқ ичида бериш билан унинг диний-тасаввуфий атама эканига, бунда сўфийларга махсус маросим назарда тутилганига ишора қилади. Агар шу ўринда Чўлпоннинг отаси эшонга мурид бўлганини [11. Б. 79], яъни бу билан боғлиқ тушунчалар унга болалигиданоқ таниш бўлганини ёдга олсак, мазкур фикримиз асосли экани кўрилади. Хуллас, тил софлиги принципини маҳкам тутиш бу ўринда ҳам, кўриб ўтганимиздек, ифодадаги аниқликка путур етказган.

Баъзан шундай ёндашув образли ифодани ҳам туссизлантирадики, қуйидаги жумла таҳририда шундай ҳолни кузатиш мумкин:

*"Тўп сувга шўнғуб кетуб ҳовузнинг ўртасидан чиқди ва қизларнинг ҳаваслик, ўйноқи кўзлари олдида **"кибр ва ҳаво"** билан секингина айланиб сузишка олди"* [2. Б. 319]. Ушбу жумлада *"кибр ва ҳаво" билан"* сўз қўшилмаси орқали ифодаланган равиш ҳоли таҳририда "гердайиб" сўзи билан берилган. Албатта, "гердайиб" сўзи кўзда тутилаётган маънони беради, иккинчи ёқдан, ўзгартириш натижасида жумла силлиқланади, ифода жонли сўзлашувга яқин кўриниш олади ҳам. Ҳаммаси тўғри. Бироқ жумлага образлилик нуқтаи назаридан қаралса, "кибр ва ҳаво билан" дейилганида бадиий образга хос конкретлилик, индивидуаллаштирилганлик бўртиброқ кўзга ташланишини кўриш қийин эмас. Аксинча, "гердаймоқ" феълидан ҳосил қилинган равишдош ҳаракатни сезиларли даражада абстраклаштирган ҳолда тавсифлайди. Яъни "кибр ва ҳаво" дейилганда беихтиёр копток билан ўзини шундай тутаётган одам – шахслантириш амали содир бўлади, "гердайиб" сўзида эса бу имконият минимал даражада сақланган, холос, яъни у образ сифатида сийқаланиб бўлган. Шуни теран ҳис қилганидан Чўлпон ифодани охорли қилишга интилади ва бунга эришади, бироқ эришилган самара таҳрир натижасида йўққа чиқади.

Муҳаррир ўзганинг матни билан ишлар экан, унга ниҳоятда авайлаб муносабатда бўлиши, бирон-бир ўзгариш киритиш олдидан обдон мулоҳаза қилиши керак бўлади. Бироқ бундан ҳам аввал матннинг мазмунини тушуниб олиш талаб қилинади. Йўқса оддийгина ўринларда ҳам хатога йўл қўйиш, муаллиф айтган фикрни ўзгартириб юбориш мумкин. Масалан, Чўлпон тўйда маҳалла-кўйнинг шодонлигини алоҳида таъкидлаб, урғулаб тасвирлайдики, бундан аниқ бир мақсад кўзланган [12. Б. 73]. Жумладан, шу шодонлик келин тушириб бориш жараёнига ҳам хос:

"Кўчада қатор-қатор аравалар чопишуб, бир-бирларидан ўзишадирлар.

Ўн-ўн беш аравага тўлған хотунларнинг тартибсиз «ёр-ёр»лари дунёни бузиб, осмонни кўтариб борар эди.

Сандиқ, кўрпа, гилам, тугун ва бошқа нарсалар юклаган ва юклар устига яна биттаиккита кампир ўтқузған аробакашлар наригилардек бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар эдилар" [2. Б. 323–324].

Маълум бўляптики, бу ўринда гап икки гуруҳ аравалар ҳақида: биринчи гуруҳида ёр-ёр айтиб бораётган аёллар келин тушириб бормоқда, иккинчи гуруҳида келиннинг "юк"и ортилган бўлиб, яна "юк пули"га ҳақдор "биттаиккита кампир" ўтиради. Парчадаги учинчи гапда юк олиб бораётган аравакашлар ҳам "наригилардек" (яъни келин тушириб бораётганлардек) ўзаро басма-басга от чоптиришаётгани (бу эса шодонлик руҳнии бўрттириб кўрсатади) айтилмоқда. Элбек шу ҳолатни аниқ тасаввур қилмаганми, ҳар ҳолда "наригилардек" сўзини "илгаригидек" деб ўзгартиради. Натижада илк нашрдаги икки гуруҳ аравалар ҳақидаги маълумот хиралашади, энди гўё ҳамма аравакашлар сал аввал басма-

басига от чоптиришган-у, орада бир муддат секинлашишган, кейин эса яна “илгаригидек” пойгага киришишган, деган мазмун келиб чиқади. Ҳолбуки, илк нашрдаги ҳолатида келин тушириб бориш жараёни тасвири кўламлироқ туюларди.

Асар матни умумхалқ тили базасида яралсада, ўзида ўша тилдан фойдаланаётган ижодкорга хос индивидуал хусусиятларни сақлайди. Матннинг дахлсизлиги талаби энг аввал ана шу индивидуалликни сақлашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам асар муаллифининг тил унсурларидан фойдаланишдаги ўзига хосликка тоқат қила билиш муҳим, ундан ўзидек ёки ҳамма каби ёзишни талаб қилиш, шу талабдан келиб чиққан ҳолда таҳрирлаш мақбул эмас. Афсуски, ҳар қанча яхши муҳаррир бўлса ҳам, баъзан беихтиёр шу талабни асос қилиб матнга биттаиккита ўзгариш киритади. Масалан, Чўлпон “тўп (копток)” деса, Элбек “тўп (коптов)” деб ўзгартиради, яъни адиб ўзининг шевасида ёзади, муҳаррир ҳам ўзининг шевасида таҳрир қилади. Матнда “теварагига – теграсига”, “титраган қўллар – титрак қўллар”, “пўш-пўш” – “қоч-қоч”, “думаланиб – юмаланиб”, ҳовлиққанча – ҳовруққанча” тарзида амалга оширилган ўзгаришлар таг заминида ҳам, бизнингча, юқорида тавсифланган талаб ётади.

Албатта, ҳар қандай матн ҳам “бегона нигоҳ” қаршисида ўзида мавжуд “ўдур-будур” (А.Қодирий)ларни яширолмай қолади. Шу боис ҳам малакали муҳаррир асар матнини сайқаллашда жуда катта хизмат қилиши мумкинлиги, умуман, бадиий таҳрир амалиётининг ривожланиши адабий тил, адабиёт ва пировадида бадиий диднинг юксалишига бевосита таъсир қилиши шубҳасиз. Чўлпон яратган ҳикоя матнига “бегона кўз” билан қараган Элбек ҳам айрим нуқсонларни кўрган ва тузатиб қўйган. Жумладан, эшонникида бўлган қизғин суҳбатни Чўлпон мана бундай таърифлайди: “*Эрта билан бомдоддан сўнг бошланган “зикр” хуфтанга яқин базўр тугади. Бир неча киши маст-аласт бўлуб у ер-бу ерда думаланиб қолдилар. Ёнган сўфилардан бир-иккитаси “жазава”нинг шид-датидан боруб ўзларини ҳовузга ташладилар. Қисқаси бу кун қиёмат бўлди*” [2. Б. 321]. Зикр маросими жараёнида сўфилар руҳиятида шиддатли жараёнлар кечиши, аксариятининг жазба (транс) ҳолатига тушиб қолишлари бор нарса. Чўлпон “ёнган сўфилар” деганида айни шундай ҳолатдаги сўфиларни назарда тутади: улардан айримлари у ер-бу ерда ётиб қолган, айримлари ўзини ҳовузга отганини айтмоқчи. Бироқ шу мазмунни ифодалашда Чўлпон, бизнингча, хатога йўл қўйган: “маст-аласт бўлуб у ер-бу ерда думаланиб қолишди” дейилиши юқоридаги мазмунни инкор қилади, бевосита маъно устуворлик касб этиб қолади. Яъни сўфийлар ибодат руҳи, завқу шавқидан эмас, оддийгина ичкилик таъсирида маст-аласт ҳолга тушган дейилгандек бўлади. Муҳаррир шуни ҳис қилган бўлса керакки, “Гўзал ёзғичлар”да жумладаги “маст-аласт бўлуб” сўзлари “ўзидан кетиб” деб ўзгартирилган. Натижада жумлада “ичкиликдан маст бўлганлик” мазмуни истисно қилинган, ўзгарган ҳолатида у “руҳий зўриқиш оқибатида ўзини йўқотиш” маъносини ифодалашга бўйсундирилган. Кўриб турганимиздек, таҳрир натижасида жумла тасвирланаётган ҳолат ва ифодалаш кўзда тутилган мазмунга мувофиқ бир шаклга келтирилган.

“Қор қўйнида лола” ҳикоясининг “Инқилоб” ва “Гўзал ёзғичлар”даги матнлар орасидаги фарқларга асосланган ҳолда яна кўп гапириш мумкин, бунинг учун яна бир талай мисоллар ҳам бор. Бироқ айтилганлар Элбекнинг таҳририга хос асосий жиҳатларни қамраб олгани учун шунинг ўзи билан кифояланамиз. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда дадил айтиш мумкинки, Чўлпон насрий асарларининг танқидий матнларини тайёрлаш вақти етди, балки ўтиб ҳам бормоқда. Ҳозирга қадар Чўлпон насрий асарлари қайта нашрларида бош мезон илк нашрга мослик бўлиб келгани сир эмас. Эндиликда шунинг ўзи етарли бўлмай қолди. Чўлпон насрий асарларнинг мавжуд матнларини қиёсий тадқиқ этиш, конкрет асар ёзилган давр тили, имло масалалари, ёзувчининг индивидуал тил хусусиятлари каби омилларни ҳисобга олган ҳолда илмий танқидий матнларини тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Адабиётлар:

1. *Элбек*. Тилмиздаги ёнглишиқлар // Туркистон, 1924 йил 17 ўктабр.
2. *Чўлпон.* Асарлар. Тўрт жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 376 б.
3. *Чўлпон*. Қор қўйнида лола // Инқилоб, 1922. – №. 9–10. – Б. 12–16.
4. *Элбек*. Тил имлоси устида // Қизил Ўзбекистон, 1929 йил 30 январь.
5. *Бобомуродова Ш.* Элбекнинг тилшунослик мероси. – Тошкент: “Nodirabegim” нашриёти, 2020. –108 б.
6. Тил имло конференсияси материаллари. 1929 йил майнинг 15-23-кунларида Самарқандда бутун Ўзбекистон миқёсида тўпланган ўзбек тил имлочилари ва адиблари кўнференсиясининг тўла ҳисоби. – Тошкент: Ўздавнашр, 1932. – 133 б.
7. *Фитрат*. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 334.
8. *Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А*. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи. 1982. –167 б.
9. *Abdurahmonov G‘., Shukurov Sh., Mahmudov Q.* O‘zbek tilining tarixiy grammatikasi. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. – 528 b.
10. *Rahmonov H*., Qosimov S. O‘zbek tili tarixi. – Toshkent: Jamiyat, 2009. – 224 b.
11. *Қуронов Д., Мадғозиев И.* Чўлпоннинг илмий биографиясини яратиш масаласига доир // Илмий хабарнома. Серия: Гуманитар тадқиқотлар, 2021. – № 5 (57). – Б. 77–85.
12. Элбекнинг тилга оид асарлари / Тўпловчи: Ш.Бобомуродова. – Тошкент, 2001. – 365 б.
13. *Элбек.* Гўзал ёзғичлар (Эски ўзбек ёзувида). – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1925. – 114 б.
14. 1921 йил январда бўлған биринчи ўлка ўзбек Тил ва имло қурултойининг чиқарған қарорлари (Эски ўзбек ёзувида). – Тошкент: Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922. – 51 б.
15. *Қуронов Д.* Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 288 б.

ON THE EDITORIAL CHANGES IN THE TEXT OF THE STORY “TULIP IN THE SNOW” BY CHULPAN

D.H. Kuronov[1], D.S. Ne’matova[2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1(61). 75-83.

[1,2]Andijan State University, Andijan, 170100, str.,. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_ info@edu.uz

Keywords: first edition, text, editing, editor, spelling, reform, borrowings.

In this article Chulpan’s story “Tulip in the snow” was studied from the textological points of view. Two variants of the story published on the pages of the magazine “Inqilob” (Revolt) (1922) and ”Guzal yozgichlar” (Beautiful writings) (1925) were under comparative analysis. During the analysis differences belonging to orthography and borrowings that exerted an influence to the content of the story have been discovered and comunented.

As a result of the comparative study of the textual differences we came to the conclusion that the variant of the story of 1925 does not belong to Chulpan.

One of the problems of republishing Chulpan’s works is connected with the language and spelling. The point is republication of the author’s works is being carried on the basis of the early publications i.e. on the basis of the books and newspaper materials which had been published when Chulpan was alive, because of the absence of the authors manuscripts. Such early publications as is known, belonged to the years when Uzbek writing and orthography was reformed. This deepened the problem. Because, like any transition period, writing and spelling reforms face difficulties, there take place the fight between the new and the old, there may be cases of mingling. For example, editors of those days were still meaning could learn reforms in spelling up to the end, others old and new rules, some editors were on the side of new reforms, otters were slowing in the adoption of the new reforms. This is seen in the comparison of the publica-

tions of Chulpan's" Tulip in the snow". We conditionally accept the text of the story of 1922 (issue 9-10) as Chulpan's original text. Because the editor might have made some changes to the text of the story. The text of any literary work keep individual features of the authors. The immunity of the text is directed first of all to keeping individual features. One should have patience to the author's usage of language units. It's desirable not to put demands to the writer to write as others do and to edit the text from this poet of view. Unfortunately, even when the editor is perfect, he makes some changes in the text.

Finishing the afore said view, we came to the conclusion that the time has come to prepare critical texts of Chulpan's prose works. In this process it's desirable to take into consideration the concrete language, of the periods issues of orthography, author's individual language peculiarities.

References:

1. Elbek. (1924). Tilmizdagi yonglishiqlar [Mistakes in our language]. *Turkestan.* October 17.
2. Chulpan. (2016) *Asarlar* [Works]. Four volumes. Vol. Tashkent: Akademnashr.
3. Chulpan. (1922) Qor qo'ynida lola [Tulip in the snow]. *Inqilob*. No 9-10. Pp. 12-16.
4. Elbek. (1929) Til imlosi ustida [On the spelling of the language]. *Qizil Uzbekistan*. January 30.
5. Bobomurodova, Sh. (2020) Elbekning tilshunoslik merosi [Elbek's linguistic legacy]. Tashkent: "Nodirabegim" nashriyoti.
6. Til imlo konferensiyasi materiallari (1932) [Materials of the language spelling conference]. In: 1929 yil mayning 15-23-kunlarida Samarqandda butun O'zbekiston miqyosida to'plangan o'zbek til imlochilari va adiblari ko'nferensiyasining to'la hisobi [Full account of the conference of Uzbek linguists and writers gathered in Samarkand on May 15-23, 1929 throughout Uzbekistan]. Uzdavnashr.
7. Fitrat.(2006) Tanlangan asarlar [Selected works]. Vol. 4. Tashkent: Ma'naviyat.
8. Abdurahmonov, G., Rustamov, A. (1982) Qadimgi turkiy til [Ancient Turkic language]. Tashkent: O'qituvchi.
9. Abdurahmonov, G. (et.al) (2008) O'zbek tilining tarixiy grammatikasi [Historical grammar of the Uzbek language]. Tashkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti.
10. Rakhmonov, N., Kasimov, S. (2009) O'zbek tili tarixi [History of the Uzbek language]. Tashkent: Jamiyat.
11. Kuronov, D.H., Madgaziev, I.A. (2021) Cho'lponning ilmiy biografiyasini yaratish masalasiga doir [Creation of scientific biography of Chulpan on the issue]. Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 5 (57). Pp. 77-85.
12. Bobomurodova, Sh. (ed.) (2001) Elbekning tilga oid asarlari [Elbek's works on language]. Tashkent.
13. Elbek. (1925) Go'zal yozg'ichlar [Beautiful writers] (In Old Uzbek script). Tashkent: O'zbekiston davlat nashriyoti.
14. 1921 yil yanvarda bo'lg'an birinchi o'lka o'zbek Til va imlo qurultoyining chiqarg'an qarorlari. (1922) [Resolutions of the first regional Uzbek language and orthography congress in January 1921]. (In Old Uzbek script). Tashkent: Tashkent: Turkiston jumhuriyatining davlat nashriyoti.
15. Quronov, D. (2004) Cho'lpon nasri poetikasi [Poetics of Chulpan's prose]. Tashkent: Shark.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

ҚУРОНОВ Дилмурод Ҳайдаралиевич – Андижон давлат университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси профессори. E-mail: kuronov@rambler.ru

НЕЪМАТОВА Донохон Саиджалоловна – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: donoxon.nematova@gmail.com